

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
ДЕПУТАТИ



ДЕПУТАТ
Законодательной палаты
Олий Мажлиса
Республики Узбекистан

100035, Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 1-уй

100035, г. Ташкент, улица Бунёдкор, дом-1

№ 14/03-257

« 6 » февраль 2019 й.г.

Ўзбекистон Республикаси
қурилиш вазири
А.Тўхтаевга

ДЕПУТАТ СЎРОВИ

Хурматли Абдукаҳхор Хасанович,

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йилнинг 28 декабрида мамлакатимиз парламентиغا Мурожаатномасида қўйилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан 2019 йил 28-31 январь кунлари ҳудудларни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолатини жойларда ўрганиш ҳамда сайловчилар билан мулоқотлар давомида бир қатор муаммоли масалалар кўтарилди.

Фарғона вилояти Данғара тумани ўрганилганда, қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича қурилаётган арзон уй-жойлар билан аҳолини таъминлаш ва уйларнинг сифат даражаси ҳолати бўйича тизимли муаммолар мавжудлиги кўзга ташланди. Жумладан, тумандаги Бино қишлоғида Давлат дастури асосида қурилган намунали уйлар ҳолати кўздан кечирилганда, уйларнинг қурилиш сифати талаб даражасида эмаслиги, деворлари шўрлашиб тўкилиб кетаётганлиги, уй поллари оёқ босилса тушиб кетаётганлиги, том қисмларида ҳам кўплаб муаммолар учраётганлиги фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда (фуқаро М.Абдуллаев аризаси илова қилди).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонунининг 12-моддасига асосан Сиздан Данғара туманида намунали лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар қурилиши бўйича Давлат дастурининг ижроси ва қурилаётган уйларнинг сифат даражаси ҳолати юзасидан таҳлил этган ҳолда ўз нуқтаи назарингизни ва аниқланган муаммоларни бартараф этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар ҳақида 15 кунлик муддатда маълумот беришингизни сўрайман.

Шухрат ШАРАФУТДИНОВ